

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА ГУЛЧЕХРА ШАРИПБОВНА

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(V-IX СИНФЛАР МИСОЛИДА)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(ўзбек адабиёти)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of the abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Файзуллаева Гулчехра Шарипбоевна

Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини
ривожлантириш (V-IX синфлар мисолида) 5

Файзуллаева Гулчехра Шарипбоевна

Развитие интеллектуального потенциала учащихся на основе
последовательности литературного образования
(на примере V-IX классов)..... 21

Fayzullaeva Gulchekhra Sharipboevna

Development of intellectual ability of the pupil based on continuity of fiction
literature (on example of V-IX grades)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА ГУЛЧЕХРА ШАРИПБОВНА

**АДАБИЙ ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(V-IX СИНФЛАР МИСОЛИДА)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(ўзбек адабиёти)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Ped176 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сапа Матчанов

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ниёзметова Роза Хасановна

педагогика фанлари доктори, профессор

Сарибаева Махсуда Уринбаевна

педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Урақов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д., (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон педагогикасида ва адабий таълим жараёнида умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, янги технологиялар ва замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда тегишли билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш стратегияларини жорий этиш борасида салмоқли тадқиқотлар яратилмоқда. Зеро, баркамол шахсни тарбиялаш, ўқувчиларнинг мустақил тафаккури ва ғоявий-эстетик камолоти даражасини белгилаш, уларнинг бадиий-эстетик тафаккурини ўстиришда адабий таълимнинг узвийлигини таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Шу сабабли адабий таълим тизимида янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш, уни амалга оширишнинг инфратузилмасини ишлаб чиқиш давр талабига айланди. Бугунги кунда дунё миқёсида ўқувчи шахсини ақлий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришнинг инсонпарварликка асосланган кўп параметрли концепциялари илгари сурилмоқда. Бу борадаги педагогик-психологик тадқиқотларда аксарият ёндашувлар шахсни ўз-ўзини ривожлантиришга, яъни шахсга йўналтирилган таълим муаммосига қаратилганлигидир. Бинобарин, адабий таълим тизимидаги узвийлик ва узлуксизлик муаммосини жаҳон педагогикасининг энг сўнгги замонавий методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг бадиий тафаккурини ривожлантириш, уларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиришда адабий таълимнинг узвийлигини таъминлаш борасида кўплаб тадқиқотлар юзага келди. Бироқ миллий педагогика фани олдида адабий таълимга халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни жорий этиш, узлуксиз таълим тизимида адабиёт ўқитиш узвийлигини таъминлаш масалалари алоҳида ўрганилмаган. Зеро, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши”¹га эришишда “...умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш”²га алоҳида урғу берилгани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2016. -Б.14.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Тошкент: Адолат, 2018. – Б.35.

ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сонли “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагогикада таълимнинг узвийлиги ғояси узоқ асрларга бориб тақалади. Жумладан, Афлотун, Суқрот, Конфуций, Арасту, Сенека, Беруний ва бошқа мутафаккирлар томонидан таълимнинг узлуксизлигига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, Ян Амос Коменский унинг махсус тизимини яратишга муваффақ бўлди. У биринчи марта таълимда кетма-кетлик, тизимлиликка асос солди. Кейинчалик И.П.Павлов инсон олий нерв фаолиятининг муҳим хусусияти бўлган тизимлиликнинг узвийлик билан алоқадорлигини табиий-илмий нуқтаи назардан исботлади.

Илмий адабиётларнинг таҳлили узвийлик муаммоси кўп қиррали эканлиги билан ажралиб туришини кўрсатди. Унинг узлуксиз таълим билан боғлиқ жиҳатлари МДҲ педагогикасида М.Д.Бершадская, А.И.Зеленков, В.В.Краевский, Л.Г.Семушина, А.П.Сманцер, В.Э.Тамарин, Н.Г.Ярошенко, Б.С.Гершунский, В.С.Леднев, Г.А.Алферова, В.И.Загвязинский, Г.П.Зинченко, В.В.Арнаутов, Н.К.Сергеев, А.В.Батаршев, О.П.Гурова, В.М.Лихач, М.Н.Берулава, ўзбек педагогикасида Э.А.Сейтхалилов, Ш.С.Шарипов, Ш.Э.Қурбонов, М.К.Аширова, Б.С.Абдуллаевалар томонидан умумий тарзда ўрганилган. Жумладан, рус олими Г.П.Зинченко яқин ўтмишгача таълимнинг узвийлиги муаммоси тушунча шаклида эмас, балки ғоя сифатида тушунилганлигини,¹ Ф.И.Перегудов дунёни қотиб қолган таълим тизими орқали мос равишда акс эттириш мумкин эмаслигини таъкидлашган бўлса,² В.В.Арнаутов ва Н.К.Сергеев узлуксиз таълимнинг

¹ Зинченко Г.П. Предпосылки становления теории непрерывного образования // Педагогика. – 1991. №1. – 82 б.

² Перегудов Ф.И. Системная деятельность и образования // Качество высшего образования. – Хельсинки: 1990. – С.76-77.

субъекти таълим тизими эмас, балки шахсдир,¹ деб кўрсатишади. Муаммонинг адабий таълимга оид айрим жиҳатлари рус адабиёти методикасида Е.В.Гетманская, О.Ю.Богданова, Н.И.Кудряшов, ўзбек адабиёти методикасида А.Зуннунов, М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов, Р.Ниёзметова, Қ.Хусанбоева, М.Турсунова, Ф.Эгамбердиевалар томонидан қисман тадқиқ қилинган бўлса-да, муаммо ўзининг тўла ечимини топмаган.

Юқоридаги илмий манбалар таҳлили умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг 561624-ЕРР-1-2015-“Ўзбекистон олий таълим соҳасининг халқаролашуви ва модернизацияси” (2015-2017) мавзуси ва “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2017-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, шакли, восита ва методлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим босқичларида адабиёт ўқитишнинг мақсади, вазифалари ва мазмунга оид таркибий қисмлари асосида адабий таълимда горизонтал ҳамда вертикал мазмуний узвийликни таъминлаш;

умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга доир адабий билим, кўникма ва малакаларни узвийлик асосида шакллантириш тамойилларини белгилаш;

синфлар кесимида адабиёт фанидан ўрганилиши кўзда тутилган асарларнинг ўқувчиларда шахслик сифатларини тарбиялаш юзасидан илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

адабий таълимга компетенциявий ёндашув орқали ўқувчиларнинг адабий-нутқий ҳамда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини такомиллаштириш;

адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили юзасидан тегишли хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта адабий таълим тизимида узвийлик талаблари асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадиий-эстетик тафаккурини ўстириш жараёни олинган.

¹ Арнаутов В.В., Сергеев Н.К. История и современное состояние непрерывного педагогического образования// Преподаватель. -2001.- №2. – с.4-11.

Тадқиқотнинг предметини умумий ўрта таълим мактабларида адабий таълим узвийлигини таъминлаш асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, кузатиш, сўровнома, суҳбат, қиёсий таҳлил, тест, илғор методик тажрибаларни умумлаштириш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим босқичларида адабиёт ўқитиш жараёни бадиий асар мутолааси билан ўзаро узвийлигига эришиш, бунда ўқувчилар ёши билан боғлиқ ўзгаришларни ҳисобга олиш орқали ўқувчи ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг педагогик парадигмалари аниқланган;

адабий таълимнинг узвийлиги воситасида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадиий-эстетик тафаккурини ўстириш методлари ва адабий таълим узвийлиги модели “кеча-бугун-эртага” ўқитиш тизими орқали такомиллаштирилганлиги далилланган;

ахборотлар ҳажмининг тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида ўқувчиларда шакллантириладиган адабий таълимга доир компетенцияларнинг узвийлиги, тадрижийлиги, модуллилиги, интегративлиги, мавзулараро боғлиқлиги омиллари очиқ берилган;

умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дастури мавзуларининг синфлар кесимида ўзаро мувофиқлиги ҳамда компетенциявий ёндашув асосида адабий таълим узвийлигини такомиллаштиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

умумий ўрта таълимда адабиётдан узвийлик тамойилига амал қилиш орқали қисқа муддат ичида катта ҳажмдаги адабий материал ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини тизимли тарзда ривожлантириш имконини бериши илмий-методик жиҳатдан асосланган;

умумий ўрта таълим тизими ўқувчиларнинг бадиий-эстетик тафаккурини шакллантиришнинг методик таъминотига оид технологиялар билан бойитилган;

адабий таҳлилга компетенциявий ёндашиш орқали ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил тафаккури ва ғоявий-эстетик камолоти даражасининг белгиланганлиги ишнинг амалий аҳамиятини оширади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммо доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, педагог-олимларнинг илғор илмий-назарий ғояларига асосланганлиги, тажриба-синов ишлари натижасида чиқарилган хулосаларнинг таққослаш, умумлаштириш, сўровнома, таҳлиллаш каби методлар билан аниқланганлиги, адабий таълим тизимида узвийлик тамойилига амал қилиш

ўқувчиларнинг бадий-эстетик тафаккурини шакллантириш, китобхонлик маданиятини, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилиши тажриба-синов жараёнида ўз тасдиғини топганлиги, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили ижобий эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги глобаллашув шароитида умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадий-эстетик тафаккурини шакллантиришнинг адабий таълим узвийлигига оид назарий-методик қарашлар асосида такомиллаштирилгани, уларни амалиётда қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация материаллари ва натижаларидан ўрта мактаблар учун адабиёт дарсликларининг янги авлодини тайёрлашда, олий ўқув юр்தларининг тегишли бакалаврият ва магистратура босқичлари, малака ошириш курслари учун илмий-методик адабиётлар яратишда, шунингдек, адабиёт ўқитиш методикаси, ифодали ўқиш фанлари амалиётида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадий-эстетик тафаккурини шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштиришга доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим ўқувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган фанга оид компетенцияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги 01-02/2-2-160-сонли маълумотномаси). Натижада таълим адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг бадий-эстетик тафаккурини ривожлантиришга доир компетенциявий ёндашув механизмини амалиётга жорий қилиш имконини берган;

адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда мустақил ишларни бажаришга доир таклифлардан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг 2015 йил 27 апрелдаги 20, 22-ҚҚ, 14/6-5474/6, 01-04/464-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқ билимдонлари” республика иншолар танловининг меъёрий-методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 30 майдаги 01-02/2-2-160-сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, бадий-эстетик тафаккури ҳамда интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш бўйича илгари сурилган қарашлар, ғоялар, қоидаларнинг адабий таълим мазмунига сингдирилишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий матни 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим тизимида адабиётдан узвийликни таъминлашнинг илмий-назарий концептуал асослари”** деб номланган биринчи бобида таълим тизими босқичларида адабиёт фанидан узвийликни таъминлашнинг илмий-назарий асослари тадқиқ қилинган. Узвийлик тушунчасига берилган турли таърифлар, узвийлик тушунчасининг ифодаланиш назарияси ва унинг моҳияти ўрганилган, тадқиқ қилинган жиҳатлари шарҳлар билан тўлдирилган. Умумий ўрта таълим тизимининг адабиёт дастурига шу нуқтаи назардан қараганда, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар ҳар бир синф бўйича алоҳида кўрсатилганлиги, уларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ўрганилиши кўзда тутилган асарнинг таълимий-педагогик жиҳатлари ҳисобга олинганлиги, асосий эътибор бадиий матннинг санъат асари сифатидаги ўзига хослигини тушунтиришга қаратилганлигини кузатиш мумкин. Бироқ дастурнинг адабий мавзулар кўламида узвийликка қатъий амал қилинмаганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Тадқиқот мавзуси юзасидан олиб борилган изланишлар фан-техника ҳамда ижтимоий муносабатларнинг шиддатли ривожланиши, таълим мазмунига қўйилаётган янги талаблар ижроси узвийлик муаммосини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқдир, деган хулосага олиб келди. Изланишлар умумий ўрта таълим тизимида узвийликни таъминлаш узлуксиз таълимнинг такомиллашган шакл, метод ҳамда воситаларини яратиш учун пойдевор вазифасини ўташидан далолат беради.

Адабиёт ўқитиш жараёнига педагогик-психологик жиҳатдан қаралганда, 5–6-синфлар учун – “соғда реализм”, ёш ўқувчининг онгида бадиийлик ва воқеликнинг кўшилиши, 7–8-синфлар учун – китобхонлик идрокининг шиддат билан ривожланиши, 8–9-синфлар учун – бадиий асарни тўлақонли ўзлаштириш, санъат ва ҳаётнинг тарихий эстетик алоқаларини англаш, шу билан бирга бу ёш босқичида китобхон идрокининг асосий ғояга боғланиб қолиши кузатилади. Натижада ўқувчи асар қаҳрамонларининг характер хусусиятларини, бадиий сюжет тизимида тутган ўрнини аниқлаштиришда камчиликларга йўл қўяди. Адабиёт ўқитувчисининг дастлабки икки даврга нисбатан, учинчи даврда (8–9-синфлар) бадиий матнни муаммоли таҳлил қилишга ўргатиши маҳсулдор бўлади ҳамда китобхоннинг кейинги таълим босқичида психологик жиҳатдан бадиий асар ҳақида мустақил фикрлаши ва оқилона хулоса чиқаришини таъминлайди.

Психология, педагогика ва ўқитиш амалиёти томонидан аниқланган ўқувчиларнинг ёши билан боғлиқ умумий хусусиятлар адабий таълимни қуйидаги босқичлар асосида белгилашни тақозо этади: адабий ўқиш (I–IV), бошланғич адабий курс (V–IX синфлар: биринчи узв – V–VII синфлар, иккинчи узв – VIII–IX синфлар), тарихий-адабий асосдаги курс (ўрта махсус, касб-ҳунар коллежи ёки ҳозирда X–XI синфлар).

Аслида китоб ўқишга бўлган қизиқишни тарбиялашда оилада ва ундаги ижтимоий-маданий муҳит, ота-оналарнинг китобхонлик маданияти муҳим ўрин тутади.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги асосида адабиёт фанига оид билимларни ўзлаштиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашнинг педагогик-психологик жиҳатлари 1-жадвалда ўз аксини топган.

Адабий таълим жараёнида қуйидаги талабларни бажариш педагогик ва психологик жараёнларни бирлаштириш ҳамда тўғри йўналтириш орқали ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, бадиий-эстетик тафаккурини юксалтиришга ёрдам беради:

- бошланғич синф ўқиш дарслариданоқ адабий таҳлилнинг турли метод ҳамда воситалари кўмагида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш, бу жараёни таълимнинг кейинги босқичларида узвий давом эттириш ва мукамаллаштириб бориш;

- ўқувчиларда аклий-интеллектуал сифатларни шакллантириш, таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;

- ўрганилаётган мавзу мазмунининг тўла ўзлаштирилишига эришиш, ўқувчиларнинг билим ва тушунчаларини мустаҳкамлаб бориш;

- адабий-назарий тушунчалар воситасида бадиий асарларнинг илмий, методик, дидактик жиҳатдан тўғри таҳлил қилиниши ва ижтимоий ҳаёт муаммолари билан узвий боғланишига эътибор қаратиш;

- адабиёт дарсларида бадиий сўзнинг образлилик хусусиятини очиш ва адабий ҳодисаларнинг туб моҳиятини таҳлил қилиш жараёнида адабий таълим муаммоларини мантиқий кетма-кетликда, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида ҳал этиш;

**Адабий таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни
таъминлаш мазмуни**

Т/р	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
1.	Синфдаги ҳар бир ўқувчининг адабий билим савиясини аниқлаш ва янги билимларни ўзлаштиришдаги узилишларни бартараф этишда ёрдам бериш.	Ўтилган мавзуларга оид билимларни ўзлаштириш, мавзуга доир мураккаб тушунчаларни аниқлаш, ўқитувчидан ҳар доим методик ёрдам олиш.
2.	Адабий таълим мазмунида ДТС, ўқув режаси ва ўқув дастури бўйича узвийлик ва узлуксизлик тамойилига амал қилиш.	Мавзуларнинг алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлигини тушуниш ҳамда англаш. Адабий билимлар, маълум бир мавзу юзасидан тушунчалар шажарасини тасаввур этиш.
3.	Ўқувчиларга адабиёт фанидан ўтиладиган мавзу ва унга оид материалларнинг кетма-кетлигини, мос равишда бошқа фанлардаги амалий аҳамиятини тушунтириш.	Ўтилган мавзунинг бадиий, ғоявий-эстетик қимматини ўрганиш, ўқув материалининг бошқа фанлар билан алоқадорлигига мисол келтириш.
4.	Дарс жараёнида мавзулар узвийлигини тушунарли ҳамда ҳаётий мисолларга боғлаган ҳолда баён этиш	Ўтилган мавзу узвийлигини англаш ва унинг мазмун-моҳиятининг асарлардаги ифодасини тушуниш.
5.	Янги мавзуга оид материалларни оддийдан мураккабга қараб изчил ўрганиш усуллари тушунтириш. Уй вазифаси, синф, синфдан ташқари ишларнинг узвийлигини таъминлаш.	Ўқувчи ижодини, адабиётга оид назарий тушунчалар билан боғлаб ўрганиш, бадиий асар таҳлилининг мантикий режасини тузиш. Бадиий асарларни мустақил таҳлил қилишга ўрганиш.
6.	Боблар бўйича адабий билимларнинг тизимли, бир бутун, яхлит шаклланганлигини аниқлаш учун ўқувчилардан бобнинг адабий тушунчалар шажарасини шакллантириш ва унга доир топшириқлар тизимини тузишга ўргатиш.	Боб ёки бўлимлар бўйича берилган назорат топшириқлари мазмунини англаш. Боблар бўйича тушунчалар шажарасини яратиш ва ундаги алоқадорликни амалиёт доирасида кўргазмали равишда тушунтира билиш ва топшириқлар тузиш.

- ўқувчиларнинг дарсга онгли ва фаол муносабатда бўлиш билан боғлиқ ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;

- янги ўтиладиган мавзунинг олдинги мавзу билан узвий боғлиқлигини босқичлараро таъминлаб бориш;

- адабиёт дарсларида ўқитишнинг энг фаол ва самарали методларидан фойдаланиш.

Адабий таълим жараёнида инсон онги, дунёқараши ва муносабатларининг мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши ўқувчига ўз-ўзини баҳолай олишни ўрганиш имкониятини беради. Ўқувчи бундай имкониятга эга бўлиши учун ўқитувчи адабиёт ўқитиш методикасидан яхши хабардор бўлиши, ҳар бир дарсни ташкиллаштиришда ижодкорликни асос қилиб олиши зарур. Худди шу вазиятдан келиб чиқиб “кеча”, “бугун”, “эртага” тушунчаларини ўқитиш тизими сифатида талқин қилиш муаммони

асослашда яхши самара беради. Бунда адабиёт таълимида **“КЕЧА→БУГУН→ЭРТАГА”** тизимининг узвийлигини таъминлаш бирламчи аҳамият касб этади. Ушбу тизимни адабиёт дарсликлари ва дарслари доирасида икки хил маънода тушуниш мумкин.

“КЕЧА→БУГУН→ЭРТАГА” адабиёт дарсликлари доирасида таҳлил қилинганда, “Кеча” сўзига адабиёт дарсликларидан жой олган, халқимизнинг бой маънавий мероси – халқ оғзаки ижоди, энг қадимги адабий ёдгорликлар, уйғониш даври адабиёти, хонликлар даври, жаидлар адабиёти ва шўро даври адабиётига оид маълумотлар тўғри келади.


“Бугун” атамасига ижодкорларнинг мустақиллик давридан бошлаб, то бугунги кунга қадар яратган асарларида илгари сурган ғоялари, шу билан бирга, баркамол авлод тарбиясига давлат томонидан яратилаётган имкониятлар (қонун ва қарорлар) тўғри келади. Айнан адабиётда тарих (кеча) ва ҳозирги кунни (бугунни) ўрганиш орқали келажак учун замин тайёрланади ва бу, адабиёт дарслигида “Эртага” тушунчасининг узвийлигини таъминлайди.

Бу тизим адабиёт ўқитиш нуқтаи назаридан татбиқ қилинганда **“Кеча”, “Бугун”, “Эртага”** сўзлари биргина синф ёки курсга тегишли дарслик доирасида эмас, балки бир неча синф ёки бирор курс давомида ўрганилаётган мавзу материаллари мажмуини ўзида мужассамлаштиради. Дастур ва адабиёт дарсликлари мавзуларининг кетма-кетлиги таълим узвийлигини таъминлашнинг биринчи босқичини ташкил этади. Ўқитувчи “Бугун” бирор-бир мавзунини ўтишидан қатъи назар, аввалги синфларда, яъни “Кеча” худди шу мавзу қуйи синфларда қандай мазмунда бўлганлигидан хабардор бўлиши ҳамда дарс давомида ўқувчи “Эртага” ўтиладиган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг тўғри хулоса чиқаришига эришиши лозим.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактабларида адабий таълим узвийлиги ҳамда узлуксизлиги тамойилининг мазмуни”** номли иккинчи бобида адабий таълим жараёнида узвийликни таъминлашнинг шарт-шароитлари, омиллари, тамойиллари тадқиқ қилинади. Узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган барча фанлар учун умумий бўлган дидактик тамойиллар: ўқитишнинг илмийлиги, мунтазамлиги ва изчиллиги, назария билан амалиётнинг узвийлиги фан бўлимлари ўртасидаги ўзаро боғланиш, онглилик, фаоллик, кўргазмалилик, билимларни мустақам ўзлаштириш, ўқувчиларга дифференциал ёндашиш ва индивидуал муносабатда бўлиш кабилар адабий таълим тизимига ҳам бевосита дахлдордир.

Адабий таълим узвийлигини таъминлаш зарурияти нафақат ўқитувчилар, балки ота-оналар ҳамда ўқувчиларнинг талаб-эҳтиёжини қондиришни ҳам назарда тутаяди. Бу ҳолат “ўқитувчи↔ўқувчи↔ота-она” занжири шаклидаги муносабатларда тенглик, ўзаро ҳурмат, мустақил фикрга эгалик, эътирозни жиддий қабул қилиш, ишончлилик, миллий қадриятларга дахлдорлик тарзида намоён бўлади. Шунингдек, у бошланғич таълимдан умумий ўрта таълим мактабларига ўтиш жараёнини ҳам ўз ичига қамраб

олади. Қуйидаги тизим адабий таълим узвийлигини ўзида мужассамлаштиради.



1-расм. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқитиш тизимининг натижавийлиги.

Узвийлик адабий таълимда доимий ҳаракатда, изланишда фаоллик кўрсатиш, назарий-амалий масалаларни ечишда лаёқатли бўлиш руҳида тарбиялайди ҳамда адабиёт фанини ўқитишда мақсадга йўналтирилганлик, дастурийлик, тизимлилик, босқичлилик, давомийлик, натижалилик, режалаштирилганлик ва самарадорликни вужудга келтириб, мавжуд педагогик жараённинг бутунлиги, яхлитлигини, ўзаро боғлиқлигини таъминлай олади (1-расм). Таълим жараёнида узвийликни таъминламасдан туриб бирор педагогик мақсадни амалга ошириб бўлмайди.

Адабий таълим жараёнида узвийликни таъминлашда компетенциявий ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда мустақиллик, фаол фуқаролик нуктаи назарига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат кўникмаларини шакллантиради, узвийлик ҳамда узлуксизлик тамойилига амал қилишни таъминлайди. Адабиёт фани инсон ҳаётида зарур бўлган таянч компетенцияларни ривожлантиришда муҳим омил саналади.

Ўқитувчи таълим технологияларини танлашда тақвим-режада муайян синф учун белгиланган таянч ва адабий таълимга доир компетенцияларни белгилаб олади. Шундан сўнг ўрганилиши зарур бўлган мавзу ва

шакллантириладиган компетенцияларни ҳисобга олган ҳолда таълим методини танлайди. Ўтиладиган дарс тури адабиёт мавзулари ва босқичлари доирасидаги узвийлик ва узлуксизлик тамойилига асосланган бўлиши лозим.

Адабиёт ўқитишнинг узвийлигини таъминлаш, адабий таълимнинг сифат ва самарадорлигига эришиш ҳамда адабиёт фанини ўқитишда компетенциявий ёндашувни амалга оширишда қуйидаги омилларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

- адабиёт дарсларида ўқувчининг ўзлаштириш имконияти билан таълим жараёнида кўзда тутилган билимлар, топшириқлар, вазифаларнинг ҳажми ва мураккаблик даражаси орасидаги зиддиятларни аниқлаш;

- дарсда ўқувчининг вақт бюджети билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва тавсиялар бериш;

- адабиётга оид назарий тушунчаларни баён қилишда интерфаол методларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ечимини аниқлаш;

- ҳар бир дарс машғулотивнинг технологик харитасини ишлаб чиқиш ва дарс жараёнида қўлланиладиган методларнинг ўрнини белгилаш;

- анъанавий таълим ва педагогик технологияларга асосланган дарс мақсадини амалга оширишнинг фарқли жиҳатларини аниқлаш;

- дарсда ўқувчининг мантиқий, бадиий-эстетик тафаккурини ривожлантириш;

- ўқувчиларнинг ҳамкорликда таълим олишида ўз-ўзини бошқарувини такомиллаштириш;

- ҳар бир машғулотивда янги тушунчани баён қилишдан аввал ўтилган мавзулар юзасидан узвийликни таъминлашга доир суҳбатлар ўтказиш.

Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари узлуксиз таълимнинг Бадиий матнда қон-қариндошлик терминларининг асосий бўғини бўлган умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш жараёнининг мазмуни ва янгидан яратиладиган дарсликларнинг мавзуларини ифода этибгина қолмай балки, ўқув муассасаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак мутахассислар эгаллашлари зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ва даражасини ҳам белгилаб беради.

Бизнингча, умумий ўрта таълим фанлари ўқув дастурлари орасидаги узвийликни белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири – уларнинг ихтисослик ўқув дастурига мослиги ҳисобланади. Демак, ҳар бир таълим турида ўқув дастурлари узвийлигини таъминлаш таълим тизимининг узвийлиги ва узлуксизлиги, таълим турлари ва босқичлари узвийлигига асосланган ҳолда мавзулараро, фанлараро ҳамда назария ва амалиёт узвийлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Ўқув дастурлари узвийлиги тушунчаси таълим яхлитлиги ва тизимлилиги тушунчаси билан боғлиқдир. Ушбу муаммонинг ечимида адабий таълим мазмуни юзасидан 5–9-синф адабиёт дарсликлари ва ДТСнинг илмий таҳлилини келтириш билан чекландик. Тадқиқот давомида адабий таълим узвийлиги адабиёт дастури бўйича ўрганиладиган адабиёт тарихига доир маълумотларни ўрганиш, адибларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, адабий-назарий тушунчалар билан таништириш, ўқувчиларнинг адабий

таҳлил, мутолаа маданияти, нутқини ўстириш ва ижодий фаолиятини ривожлантириш орқали интеллектуал салоҳияти, бадий-эстетик тафаккурини шакллантириш муаммолари мисолида кўздан кечирилди.

Танлаб олинган адибларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисидаги тушунчаларга 5–9-синфлар доирасидаги анъанавий таълим туридан фарқли тарзда ёндашилди. Ўқитишнинг инновацион технологияларидан асосий ўқитиш методи сифатида фойдаланилди. Жумладан, 5-синф “Адабиёт” дарслигида берилган тушунчалардан ташқари, дастур ва дарсликда кўрсатилган талабларга мувофиқ бешинчи синф ўқувчилари учун қизиқарли бўлган адабий маълумотлар келтирилди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Адабий таълим босқичларида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришга доир тажриба-синов ишлари таҳлили**” деб номланади. Бу бобда ўқувчиларнинг билимини баҳолаш мезонлари, адабий таълимда узвийликни таъминлаш орқали ўқувчилар нутқи ва ижодий тафаккурини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларининг натижалари келтирилган.

2-жадвал.

Педагогик тажриба-синовда иштирок этган гуруҳларнинг дастлабки ўзлаштириш кўрсаткичлари

Таълим муассасалари	Ўқувчи сони, нафардан		Тажриба ва назорат гуруҳлари								Сифат к-ч Н/Т
			Қ-сиз <<2>>		Қ-ли <<3>>		Яхши <<4>>		Аъло <<5>>		
	n_1	n_2	Q_{11}	Q_{21}	Q_{12}	Q_{22}	Q_{13}	Q_{23}	Q_{14}	Q_{24}	
Жиззах шаҳри 19- мактаб	80	84	11	12	15	18	39	38	15	16	
%	100	100	13	15	19	21	49	45	19	19	68/64
Самарқанд шаҳри 39 – мактаб	84	84	14	13	19	20	37	36	14	15	
%	100	100	16	15	23	24	44	43	17	18	61/61
Бухоро шаҳри 1- мактаб	95	96	12	14	29	25	39	41	15	16	
%	100	100	13	15	30	26	41	43	16	16	57/59
Жами	259	264	37	39	63	63	115	115	44	47	
%	100	100	14	15	24	24	44	44	18	18	62/62

Адабий таълим узвийлигини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларнинг самарадорлиги математик-статистик таҳлил асосида белгиланган (2-жадвал). Жумладан, тажриба гуруҳларида кўшимча равишда тажриба ишлари, назорат гуруҳларида эса анъанавий турдаги ўқув материалларини ўзлаштириш бўйича назорат ишлари олиб борилди. Ўқувчиларнинг назарий билими сифати ва ўқитиш самарадорлиги, амалий кўникма ва малакалари ҳар ўқув йилининг охирида яқунланди (3-жадвал).

**Тажриба-синов ишларига жалб қилинган мактаблар
ва мавзулар кўрсаткичи:**



№	Тажриба-синов ишларига жалб қилинган мактаблар	Ўқувчилар сони		Адабий таълим тизимида узвийликка йўналтирилган машғулотлар мазмуни
1	Жиззах шаҳар 19-умумий ўрта таълим мактабининг 5“А”–5 “Б” синфлари	25	29	“Уч оғайни ботирлар” эртаги билан, Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” воқеий ҳикоясини муқояса қилиш
2	Самарқанд шаҳар 39-умумий ўрта таълим мактабининг 6“А”–6 “Б” синфлари	30	30	“Сариқ девни миниб” асари билан “Ўғри” ҳикоясининг қиёсий таҳлили
3	Бухоро шаҳар 1-умумий ўрта таълим мактабининг 7“А”–7 “Б” синфлари	25	25	“Оқ кема” қиссаси билан “Меҳробдан чаён” романини узвийлик тамойиллари асосида таҳлил қилиш
4	Бухоро шаҳар 1-умумий ўрта таълим мактабининг 5“А”–5 “Б” синфлари	25	25	“Дунёнинг ишлари” қиссасидан боблар, “Кичкина шахзода” ва “Шер билан дуррож” асарларининг қиёсий таҳлили
5	Жиззах шаҳар 19-умумий ўрта таълим мактабининг 6“А”–6 “Б” синфлари	25	25	“Шум бола”, “Сариқ девни миниб”, “Танобчилар” асарлари таҳлили
6	Самарқанд шаҳар 39-умумий ўрта таълим мактабининг 7“А”–7“Б” синфлари	28	28	“Равшан” достони, “Даҳшат” ҳикояси, “Ёввойи йўрға” асарлари таҳлили
7	Самарқанд шаҳар 39-умумий ўрта таълим мактабининг 5“А”–5“Б” синфлари	26	26	“Сусамбил” эртаги, “Тумарис” ҳикояси, “Балиқ ови” шеърини қиёсий таҳлил қилиш
8	Бухоро шаҳар 1-умумий ўрта таълим мактабининг 6“А”–6 “Б” синфлари	25	26	“Нидо” достони, “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясининг қиёсий таҳлили
9	Жиззах шаҳар 19-умумий ўрта таълим мактабининг 7“А”–7 “Б” синфлари	30	30	“Зулмат ичра нур” қиссасидан парча, “Равшан” достони, “Ёввойи йўрға” асарининг қиёсий таҳлили

Педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилган гуруҳларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари 4-жадвалда берилган. Олинган натижалардан кўринадики, йилдан йилга сифат кўрсаткичининг ўсиши сезиларли даражада бўлиб, улар тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларидагига нисбатан юқоридир.

Педагогик тажриба-синовда иштирок этган гуруҳларнинг якуний ўзлаштириш кўрсаткичлари

Тажриба-синов ишлари ўтказилган мактаблар	Ўқувчилар сони, нафардан		Тажриба ва назорат гуруҳлари								Сифат к-ч Н/Т
			Қ-сиз <<2>>		Қ-ли <<3>>		Яхши <<4>>		Аъло <<5>>		
	n_1	n_2	Q_{11}	Q_{21}	Q_{12}	Q_{22}	Q_{13}	Q_{23}	Q_{14}	Q_{24}	
Жиззах шаҳри 19-мактаб	80	84	10	6	22	9	33	45	15	24	
%	100	100	12	7	28	11	41	54	19	28	60/83
Самарқанд шаҳри 39 – мактаб	84	84	9	5	22	10	38	44	15	25	
%	100	100	16	15	23	24	44	43	17	18	63/82
Бухоро шаҳри 1-мактаб	95	96	11	6	30	14	38	52	16	24	
%	100	100	11	6	32	15	40	54	17	25	57/79
Жами	259	264	30	17	74	33	109	141	46	73	
%	100	100	11	6	29	12	42	54	18	28	60/82

Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажриба-синов ишлари аввалида ва тажриба якунида ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги диаграммада ўз аксини топган (2-расм).



2-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг дастлабки ва якуний тажриба-синов иши ўзлаштириш кўрсаткичи диаграммаси.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, сифат кўрсаткичи назорат гуруҳларида 60% ни, тажриба гуруҳларида эса 82% ни ташкил этади.

2016 – 2017-ўқув йилидаги гуруҳларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил қилиб тажриба гуруҳларида “қониқарсиз” баҳо олганлар 3% га, “қониқарли” баҳо олганлар 4% га камайганини, “яхши” баҳо олганлар 10%га, “аъло” баҳо олганлар 10% га ортганини кўриш мумкин.

Педагогик тажриба-синов жараёнида адабий таълимнинг узвийлиги тамойилларига асосланган услубий тавсиялар қўлланди ҳамда тажриба-синов

ишини замон талабига мос равишда ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг назарий билим, амалий кўникма ҳамда малакалари сифатини ошириш мумкинлиги аниқланди. Тажриба-синов натижаларининг ишончилигини аниқлаш таклиф қилинган тавсияларнинг самарадорлигини кўрсатиш мақсадида χ^2 (хи-квадрат) мезонидан фойдаланилди. Статистик мезоннинг кузатиш қийматлари ($T_{куз.}$)

$$T_{куз.} = \frac{1}{n_1 n_2} \left[\frac{(n_1 Q_{21} - n_2 Q_{11})^2}{Q_{11} + Q_{21}} + \frac{(n_1 Q_{22} - n_2 Q_{12})^2}{Q_{11} + Q_{22}} + \frac{(n_1 Q_{23} - n_2 Q_{13})^2}{Q_{13} + Q_{23}} + \frac{(n_1 Q_{24} - n_2 Q_{14})^2}{Q_{14} + Q_{24}} \right]$$

формула бўйича ҳисоблаб топилди. Бу ерда: n_1 – назорат учун олинган гуруҳлардаги ўқувчилар сони; n_2 – тажриба гуруҳлардаги ўқувчилар сони; Q_{1i} – назорат гуруҳида баҳо олган ўқувчилар сони бўлиб, бу ерда $i=1$ – “қониқарсиз”, $i=2$ – “қониқарли”, $i=3$ – “яхши”, $i=4$ – “аъло”; Q_{2i} – тажриба гуруҳида баҳо олган ўқувчилар сони бўлиб, бу ерда $i=1$ – “қониқарсиз”, $i=2$ – “қониқарли”, $i=3$ – “яхши”, $i=4$ – “аъло”.

Тоифалар сони $C=4$, яъни “қониқарсиз”, “қониқарли”, “яхши”, “аъло” баҳолар асосида баҳоланди. Аҳамиятлилик даражаси $\alpha=0,05$ эркинлик даражаси сони $\nu = C - 1 = 4 - 1 = 3$ учун критик мезон қиймати $T_{кр} = 7,815$ га тенг бўлди.

Педагогик тажриба-синов натижаларига χ^2 статистик мезон ёрдамида ишлов берилганда олинган кузатиш мезонининг қийматлари ($T_{куз.}$) 4-жадвалда кўрсатилган. Педагогик тажриба-синов иши тадқиқотнинг ишонарли эканлигини тасдиқлаш ва илмий хулоса қилиш учун юқоридаги натижалар етарли бўлади ($T_{кр} < T_{куз.}$). Бу, ўз навбатида, тадқиқотларимиз самарадорлигини ва тавсияларимизнинг педагогик нуқтаи назардан ишончилигини тасдиқлайди.

Педагогик тажриба-синов натижалари адабий таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигига амал қилиш ўқувчиларнинг назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш, хусусан, оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, мустақил мулоҳаза юритиш, адабий-эстетик таҳлил қилиш, умумлашма хулосалар чиқариш билан боғлиқ таълимий-тарбиявий ишлар мазмуни ва сифатига самарали таъсир этиши бўйича илмий-методик асос вазифасини ўташини кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Адабий таълим жараёнида тизимлиликка амал қилиш ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадий-эстетик ва ҳиссий тафаккурини шакллантиришда таълим самарадорлигига эришишнинг муҳим омили вазифасини ўтайди.

2. Адабиёт дастурларида мавзулараро ва фанлараро алоқага кам эътибор берилганлиги дарсларнинг бир қолипда, анъанавий тарзда ўтказилишига олиб келди. Бу эса бадий адабиётнинг образлилигини англашга салбий

таъсир кўрсатаётган мустақил ижодий тафаккурнинг турғунлашувига, китобхонлик маданиятининг кўзланган натижа бермаслигига сабаб бўлди.

3. Муаммо юзасидан олиб борилган тажриба-синов ишлари адабий таълим жараёнида ўқувчиларни изланиш ва танқидий фикрлаш, мавзуга доир ғояларни ҳимоя қилишга ўргатишда дарсларда кўпроқ интерактив методларга мурожаат қилиш, китобхонлик мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказиш, фаол ўқувчиларни рағбатлантириш бадиий-эстетик тафаккур, шу жумладан, интеллектуал салоҳият тарбиясига хизмат қилишини кўрсатди.

4. Ижтимоий жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳозирги глобаллашув мафкураси илм-фаннинг бошқа соҳаларида бўлгани каби умумий ўрта таълим мактабларининг адабиёт дастурларини ҳам узвийлик тамойиллари асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга доир ДТС талабларига тўла жавоб берадиган даражада такомиллаштира боришни тақозо этади.

5. Ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини, мустақил фикрлаш кўникма, малакаларини шакллантириш, оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш, муаммоли савол-топшириқлар асосида ижодий иқтидорини ривожлантириш, луғат захирасини бойитиш шахс сифатидаги маънавий-ахлоқий қиёфасини гавдалантиришда муҳим ўрин тутди.

6. Умумий ўрта адабий таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадиий-эстетик тафаккурини шакллантириш, ҳуқуқий-демократик жамият барпо қилиш бўйича ДТС талабларининг ижроси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ёшларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий мафкуравий онглилик, фидойилик хислатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

7. Адабий таълим жараёнини технологиялаштириш, адабиётдан мустақил ижодий ишларни узвийлик тамойиллари асосида ташкил этиш, таълимий ўйинлар уюштириш ва ўқув лойиҳалари яратиш ўқувчиларнинг адабий билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда етакчи хусусиятга эга.

8. Ҳозирги глобаллашув жараёни умумий ўрта таълим босқичларида адабиётдан ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш методикасини ижтимоий-гуманитар фанларнинг энг сўнгги ютуқлари асосида такомиллаштира боришни тақозо этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНОЙ СТЕПЕНИ
№ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ФАЙЗУЛЛАЕВА ГУЛЧЕХРА ШАРИПБОВНА

**РАЗВИТИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА УЧАЩИХСЯ
НА ОСНОВЕ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОСТИ ЛИТЕРАТУРНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ (НА ПРИМЕРЕ V-IX КЛАССОВ)**

**13.00.02 – теория и методика образования и воспитания
(узбекская литература)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрировано Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.3.PhD/Ped176.

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Матчанов Сапа,**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ниязметова Роза Хасановна**
доктор педагогических наук, профессор
Сарибаева Махсуда Уринбаевна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 от «___» _____ 2018 года в _____ часов. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за №____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар 15, Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации распространен «___» _____ 2019 года.
(Протокол реестра №_____ от «___» _____ 2019 года).

Х.Ибрагимов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

Ш.Ураков

Ученый секретарь, Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.п.н., (PhD)

Н.Шодиев

Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PHD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Конечной целью серьезных исследований в мировой педагогике и в системе литературного образования являются реформы, за счет использования новых, современных образовательных технологий, соответственно проблема формирования у учащихся навыков применения полученных знаний, назревала уже давно. Следовательно, важное значение в воспитании гармоничного развитой личности и развитии интеллектуального потенциала молодежи имеет преемственность литературного образования. Поэтому, существующие проблемы с точки зрения актуальности темы, определяет широту охвата и необходимость исследований на основе новых подходов.

Процесс преподавания литературы в мире, наряду с определением вторичности системы образования, позволяет осуществить координацию подготовки учеников к проявлению творческих способностей, а также общих принципов педагогических парадигм, что позволяет учащимся достигать преемственности художественного образования, с учетом возрастных изменений, а также определять и осознавать связь между эстетическими идеалами эпохи, наряду с писателями на разных этапах жизни и образования.

В результате, процесс литературного образования, в свою очередь, приводит к обеспечению непрерывности образования для повышения качества и непрерывности художественного образования в школах.

Следовательно, в этих исследованиях существует необходимость эффективного использования наилучшего мирового опыта. За годы независимости в нашей стране было проведено множество исследований, направленных на развитие логического и художественного мышления учащихся, или на повышение их самостоятельного и творческого мышления, направленного на обеспечение грамотности и повышение интеллектуального потенциала.

Однако перед отечественной педагогикой, все еще стоит задача внедрения передовых педагогических технологий и экспериментов, основанных на передовых международных образовательных стандартах, и обеспечения непрерывности образования в средней школе.

Важное место при достижении “молодежь во всем мире счастья и процветания, посредством обладания независимым, вдумчивым, интеллектуальным и духовным потенциалом”¹, имеет повышение качества “среднего образования, среднего специального и высшего образования, а также реализация мер по их развитию”².

Данная документальная работа в определенной степени заключается в реализации задач, изложенных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-5313 и других нормативно-правовых актах, принятых в соответствии с

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2016. -Б.14.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.. – Тошкент: Адолат, 2018. – Б.35.

Указом Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 13 сентября 2017 года «Развитие системы издания и распространения книг, комплекса книг по чтению и культуре чтения и популяризации» Меры по воспитанию молодежи духовно-нравственного и физического воспитания, а также перевод системы образования на качественно новый уровень» в ПП-3271 от 14 августа, УП-3907 от 7 февраля 2017 года «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» № УП-4947 от 25 января 2018 года «Об основном совершенствовании системы среднего, среднего и профессионального образования».

Соответствие исследования передовым направлениям науки и технологий республики.

Диссертация выполнена в рамках республиканской программы передового направления развития науки и техники: 1. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Идея непрерывного образования, рассматривается педагогикой в течение многих веков. Особое внимание этой проблеме было уделено в трудах Платона, Сократа, Конфуция, Аристотеля, Сенеки, Беруни и других мыслителей, в то время как Яну Амосу Коменскому удалось создать свою собственную систему. Им впервые были заложены основы последовательности и систематического образования. Позже П. Павлов доказал естественно-научную связь систематики, которая является важной особенностью высокой нервной активности человека.

Анализ научной литературы показал, что проблема этикета отличается своей универсальностью.

